

КОММУНАЛ ХИЗМАТЛАРИ БЎЙИЧА

ШАРТНОМА № 30

“05” январ 2022 йил

Бухоро шаҳри

Бухоро Нефт ва газ саноати коллежи ижарага берилган коллеж спорт залини (480^{м²}) зарурий жиҳозлар ҳамда коммунал хизматлар билан таъминлаб, Ўзининг Низоми асосида иш юритувчи директор С.Б.Усмонов бундан буён “Таъминотчи” сифатида бир томондан ва иккинчи томондан ижарага олган “Бухоро вилояти Спортнинг ўйин турлари ва енгил атлетика бўйича ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби” бундан буён “Фойдаланувчи” сифатида фаолият кўрсатувчи қуйидагилар ҳақида ушбу шартномани туздилар.

1. Шартнома мазмуни.

- 1.1. “Таъминотчи” “Фойдаланувчига” коллежда жойлашган Спорт зали (480^{м²}) фойдаланиш учун зарур бўлган жиҳозлар ҳамда электр энергияси, табиий газ ва сув билан таъминлаб беради.
- 1.2. “Фойдаланувчи” ижарага берилган бино ва мол – мулкдан бевосита белгиланган мақсадда фойдаланади.
- 1.3. “Фойдаланувчи” фаолиятини бошлашдан олдин электр энергияси, табиий газ ва сув учун ҳисоблагич ўрнатиши шарт.
- 1.4. “Фойдаланувчи” фаолиятини бошлашдан олдин электр энергияси, табиий газ ва сув учун ҳисоблагич ўрнатилмаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигида белгиланган меъёр бўйича сув, газ, электр энергияси ҳамда иситиш тармоғи учун коммунал тўловларини амалга ошириши шарт.
- 1.5. “Таъминотчи” томонидан берилган барча мол – мулк учун амалдаги йўриқномалар асосида ижара ҳақи тўланади.
- 1.6. “Фойдаланувчи” ҳар ойнинг охирида истеъмол қилинган электр энергияси, табиий газ ва сув бўйича коллеж ҳисобхонасига ҳисобот бериб боради.

2. Ҳисоб-китоб тартиби ва нархлари

- 2.1. Электр энергияси учун электр ҳисоблагич кўрсаткичига асосан тўловлар амалга оширилади.
- 2.2. Табиий газ учун табиий газ ҳисоблагич кўрсаткичига асосан тўловлар амалга оширилади.
- 2.3. Сув учун сув ҳисоблагич кўрсаткичига асосан тўловлар амалга оширилади.
- 2.4. Тўловлар “Фойдаланувчи” томонидан амалга оширилади.
- 2.5. Коммунал хизматлар нархи ошишига қараб ҳисоб – китоблар амалга оширилади.

3. Тўлов тартиби ва муддатлари

- 3.1. Коммунал хизматлар ҳақи ва бошқа тўловлар “Фойдаланувчи” томонидан ҳисобот ойи тугаши билан, 2 иш кунидан кам бўлмаган муддатда тўланади.
- 3.2. Коммунал хизматлар ҳақи ва бошқа тўловлар 30 календар кунидан кечиктирилса “Фойдаланувчи” ни ёзма равишда огоҳлантирилади ва электр энергияси, табиий газ ва сув таъминотини тўхтатади.
- 3.3. Коммунал хизматлар ҳақи ва бошқа тўловлар бўйича 90 кундан кечиктирилган қарз мавжуд бўлса “Фойдаланувчи” ёзма равишда огоҳлантирилганлигидан 30 кун ўтиши билан ижара шартномаси томонларнинг келишувига асосан бекор қилинади. Коммунал хизматлар ҳақи бошқа тўловлар, ҳамда шартнома бекор қилинишидан юзага келадиган зарарлар ҳўжалик суди орқали ундирилади.

4. Томонларнинг мажбуриятлари

- 4.1. “Фойдаланувчи” ижарадаги бино, жиҳоз ва анжомларни тўла ва бутунлигини таъминлайди: биноларни санитария талабларига биноан тозалигини таъминлайди ва ёнгина қарши қоидаларга риоя қилади: “Фойдаланувчи” “Таъминотчи” нинг ёзма руҳсатномаси бўлмагунга қадар, бино ва мол-мулкни мукамал таъмирлаш, ўз эҳтиёжига қараб қайта жиҳозлаш ҳуқуқига эга эмас.

4.2. Шартнома муддати тугагач, муддат узайтирилмаган тақдирда, “Фойдаланувчи” бино ва жихозларни барча бўлган ва қилинган қулайликлар билан 10 кунлик муддатда “Таъминотчи” га далолатнома асосида топшириши шарт.

4.3. “Фойдаланувчи” томонидан ўрнатилган ва бинонинг ажралмас қисмига айланган барча асбоб-ускуналар ва инвентарлар, агар шифт, пол деворларга шикаст етказмасдан олиш мумкин бўлмаса, бепул “Таъминотчи” нинг мулкига айланади.

4.4. Коммунал тўлови “Фойдаланувчи” “Таъминотчи” га шартнома муддати тугагандан сўнг топширган кунга қадар тўланади.

4.5. “Таъминотчи” бинони ўз ҳисобидан капитал таъмирлайди.

4.6. “Фойдаланувчи” фойдаланаётган электр энергияси, табиий газ ва сув жихозлари бузилган ёки носоз ҳолатда ҳамда жиҳоз ва анжомларни сингандан яроқсиз ҳолатда келган тақдирда “Таъминотчи” ни билдирган ҳолда таъмирлайди.

4.7. Спорт зали (480^{м2}) электр, табиий газ ва сув сантехник жихозларнинг созлигига, техника ва ёнғин хавфсизлигига фойдаланувчи жавобгар.

4.8. Бинонинг иссиқлик, совутиш сантехник ва электротехник шахобчаларининг камчиликсиз ишлашини таъминлайди.

5. Форс-Мажор

5.1. Қутилмаган табиий офатлар, электр, табиий газ ва сув жихозлари мақсадсиз фойдаланилганда, ўзича ўзгартирилган авария ҳолатда, носоз ва яроқсиз ҳолда, шартномадаги шартлар бажармаганда шартнома бекор қилинади.

5.2. Шартномада қайд қилинган мажбуриятлар бажарилган ёки тўлиқ бажарилмаган, ёки бир томонлама ўзгартирилган ҳолларда томонлар келтирилган зарарни ёки йўқотилган фойдани (шартномада кўрсатилган жарималардан ташқари) қонунда белгиланган тартибда тўлайдилар.

5.3. Ушбу шартномада мувофиқлаштирилмаган ўзаро муносабатлар амалдаги қонунлар асосида ҳал қилинади.

6. Шартноманинг амал қилиш муддати

6.1. Мазкур шартнома 2022 йил “ 05 ” 7 дан 2023 йил “ 05 ” 7 гача амал қилади.

6.2. Шартнома баробар ҳуқуқий кучга эга бўлган икки нусхада тузилган.

6.3. Шартнома шартларини ўзгартириш, бекор қилиш фақат томонларнинг келишувларига асосан амалга оширилиши мумкин.

6.4. Шартнома “Таъминотчи” ва “Фойдаланувчи” лар томонидан имзоланган кундан бошлаб қонуний кучга киради.

7. Томонларнинг юридик манзиллари ва банк реквизитлари

“Ижарага берувчи” “Ижарачи”

Бухоро нефт ва газ саноати коллежи

Манзил: Бухоро ш. Намозгоҳ кўчаси 103 уй

Бухоро ш. Саноатқурилиш банки

Х/Р 20210000800286550001

ИНН 201872832

МФО 00086

ОКОНХ: 92120

Тел.: (8365) 221-27-97, факс: (8365) 221-27-54

“Бухоро вилояти Спортнинг ўйин

турлари ва енгил атлетика бўйича

ихтисослаштирилган болалар ва

ўсмирлар спорт мактаби”

Манзил: Бухоро шаҳар И.Мўминов

кўчаси 9 уй

Тошкент ш. Марказий банки

Х/Р 23402000300100001010

ИНН 201122919

МФО 00014

Тел.: (8365) 223-40-93

ШХР: 400121860064017950100135004

Банк: Мария Баши

МФО: 00014 ИНН: 205436824

ОКЭД: _____



С. Б. Усмонов



А. Солиқов